



ЎЗКИМЁСАНОАТ
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

2019 йил 16-сентябр

“Ўзкимёсаноат” АЖ томонидан ташкilotнинг энг яхши логотиши ва шиори учун танлов эълон қилинди

“Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти томонидан жамият Низомида белгиланган фаолият турларини амалга оширишда, тарғибот ва ахборот материалларида асосий индентификатор сифатида фойдаланиладиган замонавий, оригинал ва осон таниладиган логотипни яратиш учун ташкilotнинг энг яхши логотиши ва шиори учун танлов эълон қилинди.

Танлов ҳақидаги барча маълумотлар www.uzkiyosanoat.uz сайтнинг “Тендер ва конкурслар” бўлимида мавжуд.

Маълумот учун телефон рақами: (+99878) 140-74-77, электрон почта манзили: logo@uks.uz

Танловда иштирок этиш учун қуйидаги шартларни бажариш лозим:

1. Танловнинг [Низоми](#) ва [техник шартлари](#) билан танишиш;
2. Янги ишлаб чиқилган логотип ва шиорнинг намунасини тақдим этиш;
3. Танловда иштирок этиш учун [ариза](#) тўлдириш, график файл, матн тавсифи, шунингдек, ўз алоқа маълумотларини logo@uks.uz электрон манзилига юбориш.

Барча ишлар “Ўзкимёсаноат” АЖ масъул ходимларидан иборат бўлган комиссия томонидан кўриб чиқилади.

Логотип ва шиор қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- “Ўзкимёсаноат” АЖ мақсад ва вазифалари ҳамда Ўзбекистон кимё саноати қадриятларини акс эттириши;
- Логотипнинг босма ва босма бўлмаган тарғибот материаллари, корпоратив совғаларда фойдаланиш учун мос бўлиши;
- Логотипнинг кўриниши инновацион бўлиши (янги логотип амалдаги логотипга ўхшаш бўлмаслиги керак).

Комиссия маълум миқдордаги энг яхши ишларни танлаб олади ва финалга йўлланма олган иштирокчилар ўртасида танлов ўтказилади. Финалга чиққан иштирокчиларнинг ишлари, танлов натижалари ва танлов якуни бўйича ғолиблар ташкilotнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

Танловга таклифлар 2019 йил 10 декабрга қадар қабул қилинади. 2019 йил 10 декабрдан кеч топширилган аризалар танловда иштирок этмайди.

source:

"Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти

<https://new.uzkimyosanoat.uz/uz/press/tender/logo>